

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2013 йил
11 май
ШАНБА
№ 39 (12571)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Қишлоқ мулкдорлари

ДЎКОНДОР ФЕРМЕР

"Нурмат ота" фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган. Уни Юқори чирчиқликларнинг таърифи бўйича оилавий фермер хўжалиги десак хато бўлмайди. Асосий ишларни хўжалик бошлиғи Зайниддин Нурматовнинг тўрт ўғли ва тўрт келини бажаришади.

Зухриддин – иш юритувчи. Қолган уч ака-уканинг бири механизатор, иккинчиси сувчи, бошқаси молбоқар. 30 бош сигирни келинлар – Нодира, Зарифа, Дилноза, Наргиза бемалол соғиб улгуришади. Кунига бюртурмачиларга 300 литрдан ортиқ сут етказиб берилади.

Хўжалик ҳам сут, ҳам гўшт етиштиради. Юздан зиёд қўйи, ҳатто, 6-7 бош йилқиси ҳам бор. Атрофда шиғобахш сут сифатида қимизга ҳам талабгорлар оз эмас. Юзга яқин майда йирик новвослар гўшт учун бўрдоқига боқилади. Йилга камида 10 тонна гўшт савдога чиқарилади.

– Қўйлик ҳамда Юнусобод дехқон бозорларида дўконларимиз бор, – дейди фермер Зайниддин Нурматов. – Гўшт асосан шу дўконларда сотилади. Бундан ташқари, сабзавот маҳсулотлари ҳам етиштираемиз. Эҳтиёждан ортганини бозорга чиқарамиз. Фермерга нақд пул ҳам керак. Турли хайрия ишларига аралашиб туриш фермерлар учун ҳам фарз.

Дарвоқе, "Нурмат ота" турли байрамларда кам таъминланган ва кўп болали оилаларни, ёлғиз кексалар, ногиронларни моддий ва маънавий қўллаб туришни қанда қилмайди. Туман марказий шиғонасига ҳадя қилган "Дамас" автоташинаси беморларга хизмат қилапти.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.



Хотира азиз, қадр муқаддас

ҚАЛЪЛАРДА ШУКРОНА ВА МИННАТДОРЛИК ТУЙҒУСИ

"Қайси жамиятда инсон қадр ва манфаатлари сарбаланд экан, ўша жамиятнинг келажаги ҳақида ишонч билан гапириш мумкин." Бу жаҳонга танилган йирик сиёсатчиларнинг кўп йиллик тажрибалари асосида тузилган мантаний хулоса.



Бугун мамлакатимизда ушбу тамойил ўз аксини топиб улгурди. Олиб борилган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва мақсади инсон манфаати, унинг порлоқ келажагини таъминлашга қаратилган. Айниқса, аҳолини ижтимоий муҳофазга қилиш, ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш муҳим устувор вазифалардан бирига айланди.

Куни кеча 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан вилоят Маънавият ва маърифат марказида ўтган байрам тадбирида ҳам бунга яна бир бор ҳис этиш мумкин эди.

(Давоми 2-бетда).

Яна қарздорлик ҳақида

ҲОҲДАЛАНГАЧ, ҲАҚИНИ ТЎЛАБ ҚЎЙИНГДА!

Вилоят шаҳар ва туманларида турли лавозимлардаги мансабдор шахсларнинг фойдаланилган электр энергиясидан 2013 йил 7 май ҳолатига қарздорлиги тўғрисида

- Зангиота тумани:**
75-умумтаълим мактаби раҳбари Х. Дүйсебоев – 43,5 минг сўм,
59-мактабга чата таълим муассасаси раҳбари Ш. Шарипов – 75 минг сўм.
Ангрэн шаҳри:
"Ангрэн" кўмир кони корхонаси 14-бўлим бошлиғи М. Қодиров – 132,9 минг сўм.
Бош маркшейдери М. Ҳақимов – 104,8 минг сўм.
1-бўлим бошлиғи З. Исоқов – 251,3 минг сўм.
Режалаштириш бўлими бошлиғи С. Исаева 314,4 минг сўм.
Ўрта Чирчиқ тумани:
"Хўжавул" маҳалла фуқаролар йиғини раиси К. Мамбетов – 67 минг сўм.
"Меҳнатобод" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т. Ҳасанов – 66 минг сўм.

- Куйидаги мансабдор шахслар табиий газдан қарздор эканликлари маълум бўлди:**
Юқори Чирчиқ тумани:
Соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Д. Эшимбетова – 614 минг 254 сўм.
Агро-иктисодиёт коллежи раҳбари Н. Ибраев 644 минг 093 сўм.
Педагогика коллежи раҳбари Имомхўжаева 637 минг 022 сўм.
Паркент тумани:
"Халқ банки" бошлиғи М. Алиев 490 минг 427 сўм.
Тадбиркорлик КХХ директори З. Нуров 410 минг 916 сўм.
"Бозорсавдо" бошлиғи Б. Тожиев 274 минг 372 сўм.
Оққўрғон тумани:
"Микрокредитбанк" раҳбари Акмал Абдурахимов – 503 минг 422 сўм.
"Тошкентгазтаъминот" УК.

Семинар-тренинг

Вилоят ҳокимлигида "Ўзбекистонда сайлов жараёнларини янада демократлаштиришнинг дозарб масалалари" мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, республика Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Фуқаролик жамияти шакллани-

шни мониторинг қилиш мустақил институти мутахассислари, вилоят, туман, шаҳар ҳокимликларининг ташкилий назорат гуруҳи ходимлари, сайлов комиссиялари раислари ва аъзолари, ҳудудий сиёсий партия ташкилотлари фаоллари, нодавлат жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

ТАНЛОВ ЭРКИ – САЙЛОВ ЭРКИЛИГИДИР

Парламент вакиллари сайлов қончилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, ижтимоий аҳамияти, сайлов тизими ва ҳуқуқий асослари янада демократлашиб бораётгани, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида қонун устуворлиги тамойилига сўзсиз амал қилиш лозимлиги ҳақида мулоҳазалар билдиришди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти мутахассислари давлат ҳокимияти вакили органларига ўтказилган сайловлар мониторинги натижалари асосида аниқ далилларга таянган кизиқарли маълумотлар билан иштирокчиларни таништирдилар. Марказий сайлов комиссияси аъзолари сайлов комиссиялари фаолиятини ташкиллаштириш бўйича қонун талаблари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, сайлов-олди ташвиқотини амалга

ошириш вақтида ҳудудий оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда сиёсий партиялар ва улар кўрсатган номзодларга тенг шароитларни таъминлаш муаммолари ва ҳал этиш масалалари ҳақида фикр билдиришди. Тадбир якунида миллий сайлов қончилигига ва сайлов тизимини янада демократлаштириш, сайлов комиссиялари фаолиятида қонунийлик тамойиллари талабларига риоя қилиш, сиёсий партияларнинг фаолигини қучайтириш, сайловларнинг партиялараро бахс-мунозалар асосида ўтишини таъминлаш, фуқароларнинг сайлов қончилигига оид тушунарли янада чуқурлаштириш борасидаги тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Даврон АҲМАД олган сурат.

Маънавият

"Эл-юртимиз тақдирини дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, ҳалқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш, беғуноҳ қўрбон бўлган инсонлар хотирасини абдийлаштириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз эми".

ИНСОННИ ХОТИРЛАШ, ЭЪЗОЗЛАШ САОДАТИ

Мустақилликнинг илк йилларида қад ростлаган инсоний қадрият ҳақида. Ота-боболаримиз қолдириб кетган бебаҳо ҳазина – инсон хотирасига бўлган муносабат ҳақида. Ўз халқи бахт-саодати йўлида жон фидо қилгану, яна таъйиқларга учраб, қон йиллаган, бедарак кетганлар ҳақида. Мустақиллик уларни излаш, номини тиклаш, хурматини жойига қўйиш имконини берди. Қибрай тумани, Салар шаҳарчасида бунёд этилган боғ шундай бағрикенгликнинг бир намунаси. 1999 йили Юртбошимиз фармонида кўра ташкил этилган экспедиция қанча-қанча беғуноҳ жонлар ўлдирилиб, кўмиб ташланган жойда қайта хотирлаш, хурматини жойига қўйиб, ерлаш ишларини олиб борди. Ҳозирги кунда Салар хотира боғи яшилликка бурканган сўлим зиёратгоҳга айланган.

– Мустақил Ўзбекистон халқининг энг ардоқли байрамларидан бири 9 май Юртбошимиз таъкидлаганларидек, нафақат марҳумлар, балки эл-юрт хизматида сочи оқариб, бели буқилган барча азиз инсонларни ҳам қадрлаш куни. Ҳозир, айниқса уруш фахрийлари оралида саноқли қолган. Уларнинг хотираларини тингласангиз, ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатларидан лол қоласиз. Ҳатто, шу кунгача бедарак кетган юртдошларимиз йўлига кўз тикиб ўтирганлар бор. Лекин, мен айт-

(Давоми 4-бетда).

Тактик-ўқув машқи

«СУВ ТОШҚИНИ» ОЛДИ ОЛИНДИ

Оққўрғон туманидаги Олимпент қўрғони ва Ўрта Чирчиқ туманидаги Алишер Навоий номи маҳаллада "Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар давлат тизими (ФВДТ) функционал қўйи тизими хизматлари бошқаруви органларининг аҳоли ва ҳудудларини сув тошқинлари билан боғлиқ табиий хусусияти фавқулодда вазиятлардан муҳофазга қилиш бўйича ҳаракатлари" мавзусида уч кунлик махсус тактик-ўқув машқи ўтказилди.

Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бош мутахассиси Шерали Қутлимуродов "Тошкент ҳақиқати" муҳбирига бажаририлган ишлар ҳақида қўйидагиларни сўзлаб берди. – Олмалик шаҳри, Охангарон, Ўрта Чирчиқ, Қўйи Чирчиқ ва Оққўрғон туманлари ҳудудий тизими тадбирга жалб этилиб, Охангарон ва Қорасув дарёларидан юзага келган сув тошқини билан боғлиқ вазият таҳлил этилиб, бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Охангарон дарёсининг Оққўрғон туманидаги Олимпент қўрғони ҳудудидан ўтувчи қисмида қирғоқнинг емирилиши натижасида "Олимпент пахта тозалаш заводи" ва 4 хонадонда сув тошқини билан боғлиқ хавфли вазият юзага келган эди. Уч кун давом этган ўқув машқи жараёнида Охангарон дарёсининг чап қирғоғи мустаҳкамланиб, ўзани тўғирланди. 785 метр узунликда қўшимча канал қазилди.

Уқув машқини тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида Олимпент қўрғонидаги Амир Темури, Собир Раҳимов, Мустақиллик кўчалари ободонлаштирилиб, автоташкил йўллари таъмирланди. Энг асосийси – маҳаллаларнинг 300 дан ортиқ аҳолиси ўқув машқида бевосита иштирок этди. "Қорасув" дарёсининг Ўрта Чирчиқ туманидаги Алишер Навоий номи маҳалласи Мутол ота кўчаси ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмининг чап қирғоғи ҳам сув тошқини хавфи юқори бўлган ҳудуд ҳисобланади. Айниқса, апрель ойида дарё сатҳининг кўтарилиши натижасида чап қирғоқ қарийб йигирма беш метрга сурилди, Рислиқбуви Алимова хонадонига хавф сола бошлаган эди. – Вилоят ҳокими ва Фавқулодда вазиятлар вазири номига қилган муносабатимиз инобатга олинди, мутахассислар вазиятни ўрганишди, – дейди 76 ёшли Рислиқбуви мома Алимова. – Уларга минг раҳмат. Уч кун давомида дарё қирғоғи мустаҳкамланиб, хавф бартараф этилди. Энди невараларини билан беҳавотир ухлайдиган бўлдим.

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИ ИШ ҲОРАТЛАРИ

Тумanning Туркистон қишлоғи "Туробобод" маҳалласи оксоқоли ва фаоллар ташаббуси билан маҳалла марказидан Отчопарга қатновчи янги йўналиш очилди. Бугунги кунда "Туробобод – Чигатой – Оқтепа – Ўрикзор – Отчопар" йўналишида 10 та "Дамас" қатнови йўлга қўйилиб, аҳолининг узоғи яқин, оғири енгил бўлди.

Ташкил этилганга 6 йил бўлган "Махсус кийим-сериш" МЧЖ дастлаб бир неча тикув машинасида иш бошлаган бўлса, бугунга келиб Бўзсув қишлоғидан 22 хотин-қизни доимий иш билан таъминлади. Аввал ишчилар кийимлари тикилган бу корхонада даромаднинг асосий қисми қўл кучи билан бажариладиган айрим юмушларни техника зиммасига юклаш ҳамда

Зилола АЛИЕВА.

Маънавият

– Ҳақиқатан ҳам шундай. Узок йиллар давомида каровсиз, кимсасиз, хароб бўлиб ётган қадамжолар ҳозирги кунда тикланиб, одамларга ўтмишдан сўзлаб, руҳий қувват, тириклик, истиқлол неъматларига шукроналик туйғуларини бағишлаб турибди. Вилоятимизнинг деярли барча шаҳар ва туманларидаги зиёратгоҳлар, архитектура ёдгорликлари "Олтин мерос" жамғармаси вилоят бўлими рўйхатида туради. Улар навбати билан давлат, жамоат ташкилотлари, хомийлар кўмағида таъмирланиб, ободонлаштирилмоқда. "Шодималик ота", "Увак ота", "Зунун ота", "Бузурубўва", "Шоҳрухия", "Шайх Умар Валий", "Сурон ота", "Аҳхам Саҳоба", "Усом ота", "Ийк ота" каби юзлаб зиёратгоҳу қадамжолар бор. Уларнинг ҳар бири алоҳида тарих – умрлар, тақдирлар, кечмишлар. Утмишсиз келажак йўқ дейишди. Беаҳо бойлигимиз, олтин меросимизни асраб- (Давоми. Боши 1-бетда).

авайлаш, келажак авлодларга уни обод ва кўркам ҳолда етказиш муқаддас бурчимиз. Бу ишда бизга қўл-қанот бўлаётган хомийларимиз сафи кенгайса, эл

лик. Уруш йилларидаги бир-икки воқеани сўзлаб беришгани ёдимда. Юқори Чирчиқнинг Бордонқўл қишлоғидан Саидуомон Қосимхўжаев исмли

Қосимхўжаев эди... Инсонни ҳамиша ҳолис, яхши ният яшашга ундайди. Дўстимизда дорилмон кунлар нафаси кеза бошлаган 80-йилларнинг охири-

зилатларидан сўзлагувчи олтин меросимизни сақлаш, асраш ҳақидаги Юртбошимиз кўрсатмалари асосида фаолият олиб бораётган фидойи инсон Зарифа Эшмирзаеванинг меҳнатлари эътибор ва рағбат топди. У мамлакатимизнинг юксак мукофотларидан бири "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирланди.

– Муқтадлик неъматлари ҳар биримиз учун жон қадар азиз, – дейди Зарифа Эшмирзаева. – Мен Юртбошимизнинг "Хотира азиз, хотирлаш, қадрлаш – бахт" деган сўзларини ўзимга шиор қилиб олганман. Она замин, муқаддас туپроқ бағрида сасис-садосиз ётган руҳини шод этиш, кексаларимизни қадрлаш, асраш – ҳар бир ишимизнинг бароридан келишига ёрдам беради, деб ўйлайман. Зеро, эртасини ўйлаган ҳар бир инсон ўтмишини унутмаслиги, тарихий ҳақиқатни чуқур аглаши керак.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

ИНСОННИ ХОТИРЛАШ, ЭЪЗОЗЛАШ САОДАТИ

оғзида юрган ривоят афсоналарни йиғиб, жамлаб, китоб ҳолига келтиришда жонбозлик кўрсатаётган фидойилар кўпайса – эзгу тилагимиз шу. Бу борада Сижжақ қишлоғидаги табиб Ҳамид ота, шоир Ихтиёр Ризо, Ангрэндан филология фанлари доктори, профессор Исомиддин Ерматов, пискентлик Ориф Обидов, Бекободдан Умидхон ота Аҳадов, Урта Чирчиқдан Бахринисо Тешабоевнинг хизматлари айтишга аризу-

юртдошимиз уруш пайти Украинанинг Корон районидаги бир қишлоқни овоз қилишда иштирок этади. Босқинчиларнинг зулми қаддини забун этган коропилларда умуман егулик қолмаган, оч-наҳор эдилар. Бир аёл бор-йўғи икки дона картошқасини емай, сақлаб қўйган, эшигидан халоскорлардан биринчи ким кириб келса, ушанга берман, деб ният қилган экан. Уша халоскор солдат бордонқўллик Саидуомон

да яна Украинага, Коронга бориш насиб этган қаҳрамон Саидуомон ота ўша аёлни таниб қолади. Ҳа, айтаверсак, бундай хотиралар кўп. Ахир, машъуруш уруш қанча-қанча ватандошларимиз умрига зомин бўлди, дейсиз. Ўз элидан йироқда хор-сарсон, бекафан кўмилганларни топиш, хокими Ватанига қайтаришда жонбозлик кўрсатган, эндиликда миллий ва маънавий қадриятларимиз, аждодларимизнинг беқиёс фа-

КЕМА ҲАЛОКАТИ ҚУРБОНСИЗ БЎЛМАДИ

AFP агентлиги тарқатган хабарда келтирилмишча, Генау портида юк кемаси диспетчерлик хонаси гумбазига келиб урилган.

Коронда содир бўлган ҳодиса тўғрисида гумбаз 45 даража қийшайган ва қисман кулаган. Тахминий маълумотларга қараганда, тўқнашув пайтида кемада 14 киши бўлган. Фалокат чоғида уч киши ҳалок бўлди, олти киши шифохонага ётқизилди.

Маҳаллий маъмурлар кема урилган пайтда бир неча киши сувга кулаган бўлиши мумкин, деб тахмин қилмоқда. Шунингдек, шикастланган гумбазда қамалиб қолганлар бор бўлса ҳам ажаб эмас. Ҳозир ҳалокат жойида кутқарувчилар ҳаракат қилмоқда.

Полиция кема капитанини сўроқ қилди. У берган кўрсатмаларга қараганда, кемани бирийла иккита двигатели ишламай қолиб, уни бошқариш қўлдан чиққан ва оқибатда тўқнашувдан қочиб қутулишнинг илоҳи бўлмаган.

ЙИРИК ОЛМОС ЎҒРИЛАРИ УШЛАНДИ

Бельгия полицияси шу йил февраль ойида Брюссель аэропортида 3,7 миллион евро қийматига эга олмосларни ўғирлашда гумон қилинган бир гуруҳ кишини қўлга олди.

Маҳаллий Судинго нашрининг ёзишича, полиция ходимлари Брюссель, шунингдек, Валлония ва Фландрияда 40 марта тинтув ўтказишди. Жиноятчиларни ушлаш ва далиллар топишда 200 га яқин хукукни муҳофаза қилиш органлари ходимлари иштирок этади.

2013 йил 18 февраль куни саккиз нафар жиноятчи иккита автомобилда учиб йўлагига ўтиб бориб, зирхланган фурудондан қийматбаҳо тошлар ортлаётган самолётга яқинлашганлар ва 120 та ўрамдаги олмосларни беш дақиқа ичида, бирорта ҳам ўқ узмай, ўғирлаб кетишди.

Маълум қилинишича, полициячилар нафақат ўғирларни, балки уларнинг шерикларини ҳам қўлга туширишган. Бироқ, ҳибсага олинганларнинг исми-шарифлари ошкор қилинмапти.

ГАЗЛИ АВТОЦИСТЕРНА ПОРТЛАБ КЕТДИ

Мехико шаҳри чеккасида газ ташувчи автоцистерна портлаб кетгани оқибатида 19 киши ҳалок бўлди, 36 киши жароҳатланди.

Шаҳар хавфсизлик котибияти сайтида эълон қилинган хабарларда жабранланган ҳақида маълумотлар берилган ҳамда жароҳатланганлар жойлаштирилган шифохоналар кўрсатилган.

Associated Press тарқатган хабарда айтилишича, пойтахт яқинида портлаш юз бергани натижасида Мехико-Пачука шоссесини ёпиб қўйишга тўғри келган. Ҳозир воқеа жойида кутқарувчилар ишламоқда. Улар қурбонлар сони кўпайиши мумкинлигини таъкидлашмоқда. Портлаш тўқнаши шу даражада кучли бўлдики, яқинроқда турган автомобиллар ҳамда серкатов трассага жуда яқин қурилган бинолар ҳам йўқ бўлиб кетди. Фалокат сабаблари ҳозирча номаълум бўлиб қоляпти.

ДУНЁДА ЭНГ БАЛАНД КАРУСЕЛЬ

Стокгольм шаҳрида дунёда энг баланд карусель қуригани ҳақида хабар тарқатади The Daily Mail газетаси.

Пойтахт марказидаги Gröna Lund аттракционлар боғида барпо этилган карусель 24 ўринли бўлиб, баландлиги 120 метр. Eclipse (Оқшом) номи бу айланувчи қурилма соатига 70 километргага тезликда ҳаракатлана олади.

Янги аттракционнинг ҳар бири икки қишлоқ 12 та ўринли бўлиб, Ҳар ул уч метрлик металл занжирлар билан осиб қўйилган. Gröna Lund маъмурларининг айтишича, ушбу ўриндиқлардаги қишлоқларга Стокгольм шаҳри қафдағандек қурилади. Швед астронавти Арне Кристер Фулгесан янги аттракционнинг биринчи меҳмони бўлди.

ҚУТҚАРУВ ҲАМОН ДАВОМ ЭТАЯПТИ

Бангладешда мингдан зиёд одамлар бўлган бино қулаб тушганидан сўнг ўтган икки ҳафта давомида қурбонлар 760 кишидан ошди.

ИТАР-ТАСС тарқатган хабарда келтирилишича, тўқимачилик фабрикаси, дўконлар ва банк бўлими жойлашган саккиз қаватли бино харобалари остидан 761 кишининг жасоди чиқариб олинди. Бино кулаган пайтда ичида қанча одам бўлгани номаълум. 2400 киши кутқариб қолинди.

Фалокат қурбонлари янада кўпайиши мумкинлигини таъкидламоқда РИА "Новости" агентлиги. Қутқарув ишлари давом этапти. Харобаларнинг эндигина 70 фоизи тозаланди. Аниқланишича, бино авария ҳолатида бўлиб, фабрика ишчилари ва дўкон ходимлари ўртасида парокандалик келтириб чиқарган. Бироқ, раҳбарлар уларни тинчлантириб, иш жойларига қайтишга кўндиришган.

Бино эгаси Муҳаммад Соҳил Рана Хиндистон чегарасидан ўтишга уринаётган пайтда ҳибсага олинган. Бангладеш суди унинг мол-мулкни мусодара этишга қарор қилди. Турли маълумотларга қараганда, яна 12 киши, жумладан, бисо деворларидаги ёриқлар қўл даражада хавфли эканини аниқлаш мақсадида илгари қақирилган муҳандис ҳам қўлга олинган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Кўргазма

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ КУЙЧИСИ

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида К. Беҳзод номи Миллий рассомлик ва дизайн институти профессори Муҳаммадшайх Тошмуродовнинг шахсий кўргазмаси очилди.

Янгиёул туманида туғилган ўсган М. Тошмуродов ижодий сабоқларни П. Беньков номидаги республика рассомлик билим юрти ҳамда Тошкент театри ва рассомлик институтида олган. Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси. Асарлари Ўзбекистон ва қатор хоржий мамлакатларнинг музей ва шахсий коллекцияларида сақланмоқда.

Рассом рангтавирнинг турли жанрларида ижод қилади. Кўргазмадан манзаралар, саноят мавзулари, тарихга айланган боғларнинг тураржойлар, портретлар, натюрмортлар ўрин олган. Айниқса, "Филон" туркумидаги асарлар салмоқли ўрин эгаллаган. Ушбу туркумдаги асарлар дунёнинг қўллаб мамлакатларига тарқалган.

Экспозицияга қўйилган юртимиз гузааб табиати манзаралари, турмуш тарзини, тураржойлардаги қадриятлар илдизларини, кишини руҳлантурувчи бағри кенг, очик чеҳрали инсонларни, табиатимиз иньомларини, йил фасллари, кеча ва кундузнинг турли ҳақиқатларини акс эттирган асарлар рассомнинг уларда ифодаланган ҳаёт фалсафаси муҳлисларни мулоҳазаларга қорлайди. "Куйлаётган тоғлар", "Баҳорги сўхбат", "Тандир олдида", "Филон тонги", "Охангаронда ёз", "Охангаронда шом", "Уйлар" каби кўплаб асарлар илхосмандларни бефарқ қолдирмайди. Кўргазмага қўйилган асарлар намоиши 13 майгача давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Рассом хандаси



шунмайсиз? Ахир ҳозир уч-тўрт сўмингизга мушук ҳам офтобга чиқмайди. Лоақал гилам кўтариб бораёйлик. Ҳозир тўёнага "Мадонна" гилам урф бўлган.

Пошхохон қошларини чимирганча, тез-тез юриб,

гиламни. Дўст бўлиб менга нима қилибдики, гилам кўтариб борсам. Уғлимга "бешик тўйи" қилганимда ўша дўстим шаҳардан тўёнага санъаткорларни бошлаб келган. Аммо олиб келган санъаткорла-

Ҳангома

ТўёНА



уйга кириб кетди. Асомиддин хотинининг ортидан бир зум тикилиб турди-да, ховлидаги супага омонатгина ўтирди-ю, ўзига ўзи гапирётгандай тўнғиллади: – Гиламмиш-а, оласан

ри "тўёна" пулларининг бир чакасини қолдирмай, шилиб кетишди. Бироз кайфим ошиб қолган экан, ўртадаги ўйинчи кизга роса кистирибдим. Бу ҳам етмагандек, устидан пул сочибман. "Суннат тўйи" қилга-

нимда, тойчоқ етаклаб келганди. Сабил қолгур касал экан, тўйдан бир ҳафта ўтар-ўтмас, ҳаром ўлди. Яқинда "юбилей тўйи" қилганим. "Хотамтой" дўстим чопон кийгизиб кетганди. Хотин тушмагур уни сандиққа солиб қўйибди. Бир неча кундан сўнг сандиқни очдик. Ишонасизми, ишонмайсизми, даҳшат! Чопоннинг қирқта тешиги бор. Лаънати сичқонлар илматешик қилиб ташлабди. Норози бўлиб олиб келган чоғи, Худо кўр бўлди. Пошхохон гилам кўтариб борармишлар. Яна қанақасидан? "Мадонна" эмиш! Гап битта: кўрпа орасидаги пулардан уч-тўрт сўмини кистириб келаман. Тамом, вас-салом.

Асомиддин хурсанд кайфиятда ичкарига кириб кетди. Кўп ўтмай, унинг ўқирғи эшитилди. Пошхохон эрининг олдида ўқдек отилиб кирди. Кирди-ю, ҳайратдан қотиб қолди. Асомиддин сичқон қиймалаб ташлаган пул парчаларини ховучлаганча, талба одамдек: "Тўйлар муборақ, тўёна бўлсин", деб бир йиғлаб, бир қулиб, рақс тушарди...

Латифжон МАНСУРОВ.

Жиноятга жазо муқаррар

Юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик тўғрисида халқимизнинг турмуш даражаси йилдан-йилга яхшиланиб, ҳаётимиз фаровон бўлиб бораётгани ҳаммага равшан. Республикадаги ҳар бир оилда келажакга юксак ишонч тўғрисида келажакдаги фарзандлар дунёга келаётди. Уларни ҳар томонлама барқарор этиб тарбиялаб, воғва етказиш учун ҳукуматимиз моддий ва маънавий жиҳатдан барча қўлайликларни яратиб берапти.

Инсон шундай муқамал яратилган-ки, унга яхши билан ёмонни, оқу қорани, тўғри йўлдан эгнома рақами № 10-10426 билан рўйхатга олинган (ИНН 601148969) яқна тартибдаги тадбиркор Исраилова Мунира Саидбидовнага тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамгаси йўқолиши сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

М. Исроилов ишлаш учун Россия давлатининг Владивосток шаҳрига келди. У бу ерда тинчгина ишлаб, ота-онасининг бағрига қайтиш ўрнига, тақиқланган диний экстремистик, сепаратистик, фун-

зиатское управление" номи мураккаб нязматлари кўтариб келган отамиздан ўша онкўр экстремистларнинг ақловларига ишониб кечиб кетаверсак, бу ишимиз адолатдан бўладими? Бундай ҳолатни дунёдаги ҳеч бир дин оқламайди.

М. Исроилов ишлаш учун Россия давлатининг Владивосток шаҳрига келди. У бу ерда тинчгина ишлаб, ота-онасининг бағрига қайтиш ўрнига, тақиқланган диний экстремистик, сепаратистик, фун-

ОНГИ ЗАҲАРЛАНГАН «БИРОДАР»ЛАР

даменталистик ташкилотлар тузиш билан шуғулланади. Ўзбекистондан чиқиб кетдим, энди нима қилсам ҳам ҳеч ким билмайди, деб ўйлаганлар содда қилиб айтганда, чучварани хом санашибди. Ҳозир юртимизнинг тинчлигига раҳна солишни режалаштираётган барча ҳаракатлар, қаерда бўлмасин назоратдан четда қолаётгани йўқ. Бундай кимсалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ушлаб келиниб, жазога тортилмоқда.



Афсусланарлиси, уларнинг орасида балоғат ёшига етиб, ҳаётини ҳали тўлиқ тушунмаган ёшларимиз бор. Бу каби ёшларни тузювга илтиришиб, онгини заҳарлаётган жижкан кимсалар қандайдир моддий манфаатдорлик эвазига хизмат қилувчи органлар ходимлари томонидан ушлаб келиниб, жазога тортилмоқда.

Афсусланарлиси, уларнинг орасида балоғат ёшига етиб, ҳаётини ҳали тўлиқ тушунмаган ёшларимиз бор. Бу каби ёшларни тузювга илтиришиб, онгини заҳарлаётган жижкан кимсалар қандайдир моддий манфаатдорлик эвазига хизмат қилувчи органлар ходимлари томонидан ушлаб келиниб, жазога тортилмоқда.

Афсусланарлиси, уларнинг орасида балоғат ёшига етиб, ҳаётини ҳали тўлиқ тушунмаган ёшларимиз бор. Бу каби ёшларни тузювга илтиришиб, онгини заҳарлаётган жижкан кимсалар қандайдир моддий манфаатдорлик эвазига хизмат қилувчи органлар ходимлари томонидан ушлаб келиниб, жазога тортилмоқда.

Афсусланарлиси, уларнинг орасида балоғат ёшига етиб, ҳаётини ҳали тўлиқ тушунмаган ёшларимиз бор. Бу каби ёшларни тузювга илтиришиб, онгини заҳарлаётган жижкан кимсалар қандайдир моддий манфаатдорлик эвазига хизмат қилувчи органлар ходимлари томонидан ушлаб келиниб, жазога тортилмоқда.

Афсусланарлиси, уларнинг орасида балоғат ёшига етиб, ҳаётини ҳали тўлиқ тушунмаган ёшларимиз бор. Бу каби ёшларни тузювга илтиришиб, онгини заҳарлаётган жижкан кимсалар қандайдир моддий манфаатдорлик эвазига хизмат қилувчи органлар ходимлари томонидан ушлаб келиниб, жазога тортилмоқда.

Афсусланарлиси, уларнинг орасида балоғат ёшига етиб, ҳаётини ҳали тўлиқ тушунмаган ёшларимиз бор. Бу каби ёшларни тузювга илтиришиб, онгини заҳарлаётган жижкан кимсалар қандайдир моддий манфаатдорлик эвазига хизмат қилувчи органлар ходимлари томонидан ушлаб келиниб, жазога тортилмоқда.

TOШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳоқимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мабутовчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс). Қабулхона: Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлар: 233-12-83, 233-48-08. Шартнома ва эълонлар: 236-55-54. Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ